

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2019 йил “10” апрель

№ПК-4275

“ ” 20 г.

**Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини тўғридан-тўғри хорижий
инвестицияларни жалб қилган ҳолда модернизация қилиш
чора-тадбирлари тўғрисида**

“Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ (кейинги ўринларда – ФНҚИЗ) модернизация қилиш ва ишлаб чиқариш кувватларидан тўлиқ фойдаланиш, илгор технологияларни жорий этиш ҳисобига нефть-газ тармоғининг барқарор ривожланишини таъминлаш, ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини ошириш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги (кейинги ўринларда – Агентлик), Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт ва саноат вазирлиги ва “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг ФНҚИЗ устав капиталидаги “Ўзнефтмаҳсулот” АЖнинг 100 фоиз улушкини “Ўзнефтмаҳсулот” АЖ ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ устав капиталидаги давлат улушкини тегишли равишда ушбу бериладиган улушнинг баланс қиймати суммасига камайтириш ҳисобига Агентликка бериш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

2. Куйидагилар:

Агентлик, Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва “Ўзбекнефтгаз” АЖ томонидан “PT Trans Asia Resources” (Индонезия) хорижий компанияси билан (кейинги ўринларда – инвестор) Фарғона нефтни қайта ишлаш заводини модернизация қилиш ва тўлиқ қувват билан ишлашини таъминлаш бўйича инвестиция лойиҳасини (кейинги ўринларда – лойиха) тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш орқали амалга ошириш тўғрисида келишувга эришилгани;

инвестор ФНҚИЗга эгалик қилиш, уни модернизация қилиш ва унинг ишлаб чиқариш кувватлари тўлиқ ишлашини таъминлаган ҳолда кейинчалик фойдаланиш учун етакчи халқаро компаниялардан иборат бўлган консорциум ташкил этишни режалаштиргани маълумот учун қабул килинсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агентлик, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги, Адлия вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда ФНҚИЗ устав капиталидаги давлат улушкини инвесторга сотиш бўйича асосий шартларни (кейинги ўринларда – асосий шартлар), инвесторнинг лойиҳани амалга ошириш, шу жумладан ташқи молиялаштиришни жалб этиш бўйича мажбуриятлари ва масъулиятини белгилашни кўзда тутган ҳолда тасдиқласин.

Агентлик ФНҚИЗ устав капиталидаги 100 фоиз улушкини сотиш бўйича келишувнинг дастлабки сотиб олиш тўлови 16 000 000 (ўн олти миллион) АҚШ доллари микдорида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган асосий шартларга мувофик инвестор билан тузилишини таъминласин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

инвестор ФНҚИЗга эгалик қилиш ҳуқуқини олгандан сўнг ўн тўрт ой давомида хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талаблари ФНҚИЗни инвесторга сотишгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари олдида ФНҚИЗ қарздорлиги мавжудлиги муносабати билан унинг банк ҳисобваракларига қўйиладиган талабларни қаноатлантириш учун ФНҚИЗ банк ҳисобваракларига жорий этилмайди;

ФНҚИЗга қўлланиладиган имтиёзлар, енгилликлар ва субсидиялар, ушбу қарор қабул қилинган санага қадар ФНҚИЗга тақдим этилган барча лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатлар уларнинг амал қилиш муддати тугагунга қадар ўз таъсир кучини сақлаб қолади.

5. 2021 йил 1 апрелга қадар ФНҚИЗ томонидан ўз эҳтиёжлари учун белгилangan тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича четдан олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган ускуна, техника, машина ва механизмлар, бутловчи буюмлар ва узеллар, эҳтиёт қисмлар, курилиш материаллари, асбоблар, технологик жиҳозлар, приборлар, дастурий таъминот, техник ҳужжатлар ва сарф материаллари божхона тўловларидан (қўшилган қиймат солиги ва божхона йиғимларидан ташқари) озод этилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ФНҚИЗ ва инвестор буюртманомаларига кўра пурратчи ва субпурратчи ташкилотларга лойиҳани амалга ошириш доирасида радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали курилмалардан фойдаланишга белгилangan тартибда рухсат берсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ФНҚИЗ ва инвестор буюртманомаларига кўра лойиҳани амалга оширишга жалб қилинадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш визаларини белгилangan тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ФНҚИЗ буюртманомаларига кўра лойиҳани амалга оширишда иштирок этадиган хорижий мутахассислар ҳамда уларнинг оила аъзоларига кириш визалари берилиши ва муддати узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча яшаш жойи бўйича вақтинчалик прописка қилиниши ҳамда муддати узайтирилишини белгиланган тартибда таъминласин.

9. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ФНҚИЗ буюртманомалари бўйича лойиҳани амалга оширишда иштирок этиш учун хорижий мутахассисларни Ўзбекистон Республикасига жалб этишга руҳсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, ушбу хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) белгиланган тартибда таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти



Ш. Мирзиёев

Тошкент шаҳри